

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 ✪ 2017



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

Раббимова Ф. Умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишда ҳамкорликда ўқитиш технологияси .	186
Саидова Ф.Б. Методика менежмента качества высшего образования в республике Узбекистан	189
Хонкулов У.Х. Математика ўқув дастурларининг “комбинаторика”, “эҳтимоллар назарияси ва математик статистика элементлари” бўлимларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар.....	193
Умаров Ш. Мовароуннахрга хадис илмини кириб келишида Абдулхамид Кеший илмий меросининг аҳамияти.....	198
Ўтамуродов А. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари	201
Egamberdieva N.M. Bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy ijtimoiylashtirishning pedagogik-psixologik jihatlari	204
Эргашева М. “Авесто”да ўз-ўзини ташкиллаш жараёнини англашнинг гносеологик хусусиятлари.....	207
Юсупов Т.Б. Совершенствование диагностики и оценки рисков финансирования инвестиционных проектов акционерных предприятий Узбекистана.....	211
Шоймардонов Т.Т. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг интеграллашган ахборот таълим портали.....	215
Шапатов Ш. Ахборот хуружлари ва уларнинг айрим хусусиятлари.....	220
Филология	
Abdullayeva N.E. Speaking activities as the methods of teaching English as a foreign language	223
Адилова Ф.М. Интертекстуальность в произведениях Э.Хемингуэя	226
Абдурахмонов А.А. Лирикада нур ва ок ранг уйғунлиги	229
Abdullayeva R.Y. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da xarakterni aks ettiruvchi birliklar tasnifi	232
Алиева Э.А., Евкачева З.М. Обращение как синтаксическая единица	235
Валиева Г. Паремияларда лисоний-маданий тушунчаларнинг метафора усулида ифодаланиши	239
Gazieva D.I. Ingliz va o‘zbek tillarida kesim o‘rnida kelgan fe’llarning komponent tahlili	243
Каминская Е.М. Поэтика ранних очерковых произведений С.П.Бородина	246
Qurbonova V. Badiiy matnda o‘rin ma‘nosini ifodalovchi tabiatga aloqador otlarning qo‘llanilishi.....	251
Мамажонова Д. Types and features of learning styles.....	253
Пазлитдинова Н.З. Мехригиёх, мандрагора ва женьшень фитонимларининг номинацион-мотивацион ва этимологик хусусиятлари.....	256
Пирманова Г.Н. Факторы и условия изучения студентами художественного наследия Англии с активизацией интереса к английскому языку.....	259
Садинова Н.С. Оксюморон контраст ҳосил қилувчи восита.....	263
Тлеуниязова Г.Б. Лирик асарлар композициясида пейзажнинг бадий-эстетик вазибалари.....	266
Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларда “жинс” концепти	270
Уралов А. -ХОНА аффиксоидли ясалмалар ва маъно товланиши	275
Мирзаганиева К.Р. Техника олий ўқув юртларида чет тилларини ўқитишда информацион технологиялардан фойдаланиш	278
Муҳаммаджонова Г. Омон Мухтор романларида Навоий образи.....	281
Мирзаганиева К.Р. Создание условий для организации обучения, ориентированного на международные стандарты	284
Нурмуратова Ҳ.Я. Флорионимларнинг кўчма маънолари ва терминларига изоҳ.....	286
Рустамов И.Т. Латифаларнинг прагматик турлари	289
Раджабова Г.Г. The effectiveness of assessment in teaching English.....	294
Samieva S.N. Advantages and disadvantages of total physical response method in teaching foreign language.....	297
Saidaxmedova O.I. O‘zbek va ingliz tillarida lisoniy-madaniy tushunchalarning ifodalanishi.....	300
Курбанова С.Р. Нуткий этикет бирликларининг лингвомаданий аспекти.....	303
Xolmuradova M. “Qutadg‘u bilig”dagi aforizmlar semantikasi.....	306
Абдуллаева Н.Р. “Яхшилик” ва “Ёвузлик” концептларини ифодаловчи бирликларнинг таҳлили (инглиз ва ўзбек тиллари луғатлари асосида)	309
Хошимхужаева М. Формирование фитонимической лексики узбекского языка.....	312
Рустамова Н.Р. Ривожланган мамлакатларда медиа таълим тараккиёти (инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар мисолида)	316
Муҳиддинова Д.З. Араб ва ўзбек замонавий ҳикоянавислигида Магик реализм унсурлари.....	320

ОМОН МУХТОР РОМАНЛАРИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ

Муҳаммаджонова Г. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадиий адабиётдаги ижодкор образи, унинг руҳий-маънавий олами, характеридаги ўзига хослик, хусусан, яратувчанлик ва фидоийлик сифатлари Навоий тимсоли мисолида тадқиқ этилади. Омон Мухторнинг образ яратиш маҳорати "Навоий ва рассом Абулхайр" асаридаги эпистоляр ҳамда кундалик шаклидаги айрича баён услуби, руҳият тасвирлари, характер яратиш усул ва воситалари орқали ёритилади.

Калит сўзлар: образ яратиш маҳорати, ижодкорнинг гоёвий-бадиий нияти, ижодкор образи, бадиий-концептуал ёндашув, руҳият тасвири, кундаликлар, эпистоляр адабиёт, характер.

"Ижод - инсоннинг чексиз коинот ичра ўз исмини, ўрнини, кадр-қимматини англашга интилиши, исёни"[1]. Бу интилиш, бу исён ўз номи билан ҳаёт ва ҳаракатлар уммонида долғали кечади. Моҳиятига кўра инсоншунослик бўлган бадиий адабиётда оддий инсондан фарқли ўлароқ юрагида адабий кураш паноҳ топган, ўзига хос табиати, дунёси бор ижодкор шахсни кашф этиш эса кизик ва характерлидир.

Образлар галарейсида турфа хил образлар бўлиб, асар композитсияси, гоёси ва сюжет линиясида тугган ўрни, мавқеига кўра фаркланади. Ҳоҳ асосий қахрамон бўлсин, ҳоҳ эпизодик образ асарда ижодкор шахс тимсолини яратиш алоҳида масъулият юклаш баробарида, асарга ўзгача руҳ бағишлайди.

✓ Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарида ижодкор шахс образи талкин этилган асарлар талайгина. Ундаги образлар тарихий ёки бадиий тўқима, асосий қахрамон ёки эпизодик образ эканлиги, энг асосийси ҳаёт фалсафасини турлича идрок этиши билан фаркланса-да, яратувчанлик, курашувчанлик, исёнкор туйғулар, мураккаб тақдирлилик, руҳан покланиш-катарсис сари этаклаши каби жиҳатлари билан муштараклик касб этади.

"Ижод қилиш қобилияти табиатнинг буюк эҳсонидир, санъаткор руҳидаги ижодий жараён буюк сиру асрордир" [2]. Айни хусусиятига кўра ёзувчи гоёвий-бадиий ниятининг ифодасида санъаткорнинг асосий қахрамон қилиб сайланиши асарга ўзгача хусусият беради. Ижодкор шахс мураккаб табиати, руҳий-маънавий олами, борлиқни ўзгача идрок этиши қабиларда бошқалардан ажралиб туради.

✓ Ижодкор шахс образи талқини фолькор, антик адабиёт намуналари, қадимги адабий мерослардан кўра асосан ёзма адабиётда учрайди. Сабаби, фольклорнинг эпик ва лиро-эпик тур намуналарида асосан қахрамонлик мавзуси тараннум этилган бўлиб, ижодкор шахслардаги индивидуаллик жиҳатлари бошқариш, ўз ортидан эргаштириш сифатларини инкор этади. Камдан кам ҳолларда З.М.Бобур фаолиятидагидек ижодкорлик ва бошқариш қобилияти мутаносиблиги кузатилади.

✓ Ижодкор шахс образини талқин этишда ёзувчи Омон Мухтор ижоди янгича тасвир усулларини кашф эта олганлиги билан аҳамиятлидир. У яратган Навоий образи бошқа ижодкорлар яратган тимсоллардан тубдан фарқ

қилади. Ёзувчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлган "Навоий ва рассом Абулхайр" роман-дилогияси "Ишк ахли" ва "Буюк фаррош" номли иккита китобдан иборат. Профессор Й.Солижонов бу асарни "Ойбекдан кейин улуғ Алишер Навоийнинг монументал қиёфасини яратиш йўлидаги буюк жасоратдир"[3], - дея баҳолайди.

Дарҳақиқат, асарда тарихий шахс сиймоси ўзгача йўналишда талкин этилади. Ойбекнинг "Навоий" романида Навоий сиёсий арбоб, бунёдкор шахс, ИНСОН сифатида воқеликлар силсиласида талкин этилса, Омон Мухтор Навоийнинг ижодкор сифатидаги сиймосини, мураккаб руҳий-маънавий оламини ижодий асарлари асосида очиб беришга эътибор қаратади. Яъни унинг ижодий олами, БУЮК ИНСОН сифатидаги фазилатларини ҳайрат ва ҳавас билан кашф этади. Қисқаси, асарда ижтимоий воқеликдан келиб чиқиб, ижодкор шахс ўзлигини кашф этиш эмас, ижодкорнинг асарлари, ундаги гоёлар орқали Навоийни англаш тамойили сари борилади.

3 Асар алоҳида сюжет линиясига эга эмас. Образлар ҳам санокли. Воқеликнинг содир бўлиш ўрни ҳам насрий асарлар, хусусан, реалистик асарлар хусусиятларига зид. Хаёлий тасаввурлар, тафаккур, ўй-мушоҳадалар тасвири етакчи ўрин тутди. Романда насрий ва лирик асар хусусиятлари уйғунлашиб кетган. Ойбек " поэзияда прозаик, прозада шоир" деб эътироф этилгани сингари Омон Мухтор ҳам ровий баёнига лирик кечинмани маҳорат билан уйғунлаштира олган. Асарда тарих (Навоий замони) воқеликлари билан бугунги кун нафаси қоришиб кетган.

4 Романда олам англами икки ижодкор-мутафаккир ва рассом нигоҳида кашф этилади. Рассом Абулхайр ҳам ижодкор. У ижод аҳлидан бўлган Навоий сиймосини яратмоқчи. Аммо Навоий суратини яратиш учун авало, ўзи учун Навоийни кашф этиши керак. У тарихий факт-маълумотларга таяниб эмас, Навоий асарларидаги гоё ва ҳиссий кечинмалар асосида Навоийни англаш йўлидан боради. Асарнинг баён услуби ҳам шунга хос ҳислар сингари бетизгин. Абулхайр бир Навоий лирикасидаги образлар қиёсига, гоҳ афсона ва ривоятлар билан йўғрилган маълумотларга, гоҳ тарихий фактларга мурожаат қилади, бугуннинг воқеликлари, мушоҳадаси билан синтез қилади.

Асарда асосий қахрамон қиёфасини мукамал яратишда, туйғулар тафтини аниқ

* Муҳаммаджонова Г. – ФарДУ доценти, фил.ф.н.

беришда ривоянинг кундаликлари ва эпистоляр шаклидан самарали фойдаланилади. Асар давомида кундалик шаклидаги баён ўрни билан эпистоляр нутқ кўринишига алмашинади.

Маълумки, ҳиссиётлар тафти вақт ўтиши билан ўзгаради. Ҳиссий кечинмалар, ижодкор руҳиятидаги эврилишлар, “ижод тўлғоғи”, асар тугилиши тасвирида кундалик усули муҳим роль ўйнайди. “Кундалик муаллифнинг кўрган-кечирганлари, хис қилганлари билан уларнинг қайд этилиши орасида масофа йўқ ҳисоби, яъни тассуротлар совумасданок қайд этилади”. Унда “муаллиф ўй-фикрлари баёни, изҳорларида самимият, муносабат ва баҳо ифодасида ҳаққонийлик”[4.147.] кузатилади. Кундалик нутқ шакли бадиий ниёт ижроси, олам ва одам, ҳаётнинг моҳияти, бирон-бир конкрет ҳаётий масала юзасидан умумий тарздаги мушоҳадаларни ифодалаш учун ҳам қулай.

Романда гўёки Абулхайр кундалик орқали ўз замондошларига, Навоийни англаш йўлидаги инсонларга, умуман, Инсониятга мурожаат қилаётгандек. Риторик сўрок, ундов, ҳиссий-эмоционаллик билан тўйинтирилган нутқ роман тилига ўзига хос пафос бағишлайди. Мазмунан ижодкор руҳиятига хос исёнкорлик, тоқатсизлик, келишмовчилик сифатлари акс этади. Ўрни билан I-шахс бирликдаги баён услуби I-шахс кўплик билан алмашинади.

Мактублар 4 та бўлиб, Одилнинг Барнога(Орзу, Ҳайрат, Армон) 3та мактуби, Одилнинг Холидга мактубларидан иборат. Биринчи роман композитсияси Абулхайрнинг 5 та дафтгардаги битиклари ва мактублардан иборат. 2-китоб “Ёзуқ” ва “Туфрок” деб номланувчи боблардан иборат бўлиб, рассомнинг эсдаликлари тарзида битилган. Бу рамзий маънода тақдир, тугилиш ва умрни яшаб, яна ЎЗИга қайтишдир.

Асарда Абулхайр-Шахрия, Одил ва Барно, Сухроб ва Назми, Ҳайит ва Тозагул, Холид ва Каромат каби бугуннинг кишилари, Хусайн Бойкаро, Шарафиддин Али Яздий, Абусаид, Ҳадича, Бадиуззамон каби тарихий шахс образлари тизимига параллел яратилади. Ҳар икки линиядаги образларни бирлаштирувчи тимсол Навоийдир. Асар ғояларини бирлаштирувчи асосий ғоя ҳам Навоийни англамоқ, у орқали ўзликни англамоқдир. Мазкур ғоя Навоий ва Абулхайр бирлигида намоён бўлади.

Асар баёни ички монолог - рассомнинг ўз-ўзига сўзлаганлари, ўй тафаккурида кечган ва кечаётган туйғулар сифатида тузилган. Зеро, Навоий “У- бир Осмон, у- бир уммон, Қамраш кийин!” Бу қамраш, кийинлик баён услубидан ҳам яққол акс этиб туради. “Одатда, ҳар қандай одамни(буюк

инсонни ҳам!) рассом ўз даражасида чизади.” Рассом Навоийни киёфасини яратишдек катта жасоратга қўл уришдан аввал ўзи маълум даражада унга қараб кўтарилиши лозимлигини ҳис этади. Бир оз бўлса-да, бу вазифага муносиб бўлишга ўзига ички бир масъулият сезади. Бу ижодкорларга хос ўзидан қоникмаслик ҳиссидир.

Асарда ижодкор шахс камолотининг тадрижи Абулхайрга берилган тавсифда яққол намоён бўлади. “Абулхайр бир пайтлар эски шаҳар кўчалари, кунгурали деворлари, ҳалқали эшикларини чизиб юрган. Ўшанда баъзан табиат манзараларига ҳам мурожаат қилган. Кейинчалик инсонга юз бурган. Ҳар хил кишилар расмини(портретини) ишлашга қизиққан. Булар орасида бир неча ўз қиёфаси тасвири (автопортрет) ҳам учрайди. Дунёми, ўзи устиданми қулиб турган тасвир унга анча шухрат келтирган”.[5]

Эшик янги манзил, сир-синоат сари йўл-ижодкорнинг изланиш босқичи. Ҳалқа эшикни очишга кўмаклашувчи восита, шунингдек, тараддуд ва ижозат маъносини ҳам беради. Ижод йўли бошида турган ижодкорнинг руҳий ҳолатига монанд тасвир. Кейин табиат, борлик, оламни ҳайрат нигоҳи ила кашф этиш. Ундан сўнг инсонни англашга интилиш бу ўзликни англаш сари ташлаган муносиб кадам. Ўзликни англашга этишган инсон учун эса “дунёми, ўзи устидан қулиб туриб” билдирилган муносабат таниш тасвир. Бундай ҳолат Навоий асарларида кўп бор учрайди.

“Алишернинг “лой”и осойишта кўркам яшаб кетадиган “тупроқ”дан олинмаган. Унинг манглайига ДАҲО бўлиши учун аввалдан фоҳиа муҳри босилган!”. Абулхайр асар давомида ана шу даҳолик сифатларини англашга, Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижодида унга хос ташки осойишталик ва ички зиддият сабабларини, фожеа муҳрининг илдишларини излашга уринади.

Асарда Навоий “Халқ ғамидин ғами” йўқ Ҳизр, бир умрлик содик дўст, БУЮК МУҲАББАТ эгаси, сўзга эътикод қўйган буюк истеъдод соҳиби, ҳаётини комиллик асосида ўтказган авлиё, табиатини ҳатто ўзи ҳам англашга қийналган, ўзликни англашга умидвор кашшоф, нафақат ўз даврининг, балки бугуннинг ҳам тинчлик элчиси, бирдамлик сари чорловчиси, оламни англашга интилган мутафаккир сифатида кашф этилади. “Навоийнинг ҳаётидаги бутун ЗИДДИЯТлар- Буюк БИР МАҚСАДГА ИНТИЛИШДИР”. Бу йўлда “унинг руҳи- Қакнус. Жисми –Занжирбанд Шер” эди. Жисми фидоийлик туфроғидан яралган Аллома асрлар оша жасорат тимсоли сифатида инсониятга ҳаёт ва ўзликни англашдан сабоқ бериб келмокдаки, ёзувчи айни сифатларни моҳирлик билан ифодалай олган.

АДАБИЁТЛАР

1. Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. Т.: Akademnashr, 2014. Б. 20.
2. Назар Эшонқул. Ўша асар. Б. 237.
3. Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. Т.: Адиб, 2013. Б. 54.
4. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.: Akademnashr, 2013. Б. 147.
5. Мухтор Омон. Навоий ва рассом Абулхайр. Т.: Шарк, 2016. Б. 6.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется образ творческой личности, его духовно-нравственный мир, своеобразие характера, в частности созидательность и самоотверженность на примере образа Навои. Освещается мастерство создания образа О.Мухтора в романе "Навои и художник Абулхайр", оригинальный стиль изложения, изображение душевного состояния в эпистолярной и дневниковой форме.

Ключевые слова: мастерство создания образа исторически-творческая личность, художественный вымысел, художественно-концептуальный подход, изображение психики, дневники, характер.

RESUME

The article is analyzed spiritual-mental life, peculiar nature, creativity and self-sacrifice features of creative person's character as an example of Navoi's image in literature. Creative skill of character of Omon Muktor in "Navoi and the painter Abdulkhair" is featured by the epistolary and dairy style of different statements, mental portrayals, means and methods of creating character.

Key words: creative skill of character, the ideological-fictional wish of creative person, character of creative person, fictional-conceptual approach, mental portrayal, dairies, epistolary literature, character.